

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/25.08.2021.Fil.01.16 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

КАЗАКБАЕВА ДИЛРАБО ДЖАЛАЛОВНА

**ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА ТАРЖИЪБАНД ВА ТАРКИББАНД
ЖАНРЛАРИНИНГ ТАКОМИЛИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФАДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on philological
sciences**

Казакбаева Дилрабо Джалаловна

Ўзбек мумтоз адабиётида таржиъбанд ва таркиббанд жанрларининг
такомили.....3

Казакбаева Дилрабо Джалаловна

Совершенство жанров таржиъбанд и таркиббанд узбекской классической
литературы.....27

Kazakbaeva Dilrabo Jalalovna

Development of the genres of tarje-band and tarkib-band in uzbek classical
literature..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....56

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/25.08.2021.Fil.01.16 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ
УНИВЕРСИТЕТИ**

КАЗАКБАЕВА ДИЛРАБО ДЖАЛАЛОВНА

**ЎЗБЕК МУМТОЗ АДАБИЁТИДА ТАРЖИЪБАНД ВА ТАРКИББАНД
ЖАНРЛАРИНИНГ ТАКОМИЛИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФАДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.3.PhD/Fil1335 рақами билан рўйхатга олинган

Диссертация Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (nuu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Болтабоев Ҳамидулла Убайдуллаевич
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ҳаққулов Иброҳим Чориевич
филология фанлари доктори, профессор

Юсупова Дилнавоз Раҳмоновна
филология фанлари доктори

Етакчиташкилот:

ЎзРФА Алишер Навоий номидаги
Давлат адабиёт музейи

Диссертация ҳимояси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи **DSc.03/25.08.2021.Fil.01.16** рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “___” _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Асосий биноси 1-қават, 105-хона (99871) 227-12-24, факс (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz

Диссертация билан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. ЎЗМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 236-46-55; факс: (99871) 246-02-24

Диссертация автореферати 2021 йил “___” _____ да тарқатилди.

(2021 йил “___” _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси)

Р.Х.Ширинова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, филол.ф.д., профессор

Ж.Х.Махмудов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол.ф.н., доцент в.б.

Н.А.Раҳманов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси ўринбосари, филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида адабий тур ва жанрлар поэтикасини тарихий ва назарий жиҳатдан ўрганиш бадиий адабиётнинг жуда кўп муаммоларини ҳал этишга имконият яратади. “Антик даврдан то XVIII-XIX асрларгача (Афлотун ва Арастудан Шеллинг ва Гегелгача) бадиий асар табиатини ўрганиш санъат фалсафасига тегишли бўлиб, жанрларнинг хусусиятларини тадқиқ этиш эса, поэтика зиммасида бўлиб келган¹”. Ҳозирги кунда ҳам адабий жанр ва унга хос хусусиятларни ўрганиш поэтика илмининг зиммасида турибди. Шундай экан, бадиий матннинг жанрига хос жиҳатларни поэтиканинг бошқа масалалари билан боғлиқ ҳолда ўрганиш орқали айрим жанрлар табиатини тадрижий жиҳатдан тўла очишга эришишжаҳон адабиётшунослиги олдида турган муаммолардан биридир.

Ҳар бир поэтик жанрнинг ўз қатъий структураси мавжуд бўлиб, муайян асарнинг бадииятини ўрганиш билан бирга унинг жанр хусусиятларини тадқиқ этиш дунё адабиётшунослигида қабул этилган. Мумтоз жанрлар таркибий жиҳатдан турлича бўлишига қарамай, уларнинг табиати, асосан, ўша жанрда яратилган асарларнинг вазн, қофия ва банд хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланади. Мумтоз шеърӣ жанрларга хос бу каби жиҳатларни ўрганиш ҳам бевосита адабиётшунослик илмининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ўзбек адабиётшунослигида мумтоз асарларни ўрганишга бўлган эътиборнинг кучайиши янги давр адабиёти илми олдига долзарб ва муҳим муаммоларни қўяди. Хусусан, адабий тур ва жанр масалаларини ўрганиш, уларни илмий ва назарий жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамон адабиётшуносликнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Мумтоз жанрлар табиати ва бу жанрларда битилган асарларни ўрганиш ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ, айниқса, ғазал ва кичик жанрлар табиати анча жиддий тадқиқ этилди. Бироқ мумтоз шеърӣ жанрлар орасида нисбатан кам ўрганилгани **таржиъбанд ва таркиббандлар** бўлиб, ўзбек адабиётшунослигидаги мавжуд илмий зарурият ва адабий эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли, «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли, «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли, «Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида»ги 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли

¹ Теория литературы. Том III: Роды и жанры (основные проблемы в историческом освещении). – М.: ИМЛИРАН, 2003. – С. 84.

бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот мавзуси АҚШ, Туркия, Эрон, Тожикистон, Қозоғистон мамлакатларидаги қуйидаги илмий тадқиқот институтларида тадқиқ этилган: АҚШдаги Индиана давлат университети (Колифорния штати) Шарқ адабиётини ўрганиш маркази томонидан ўрганилган бўлиб, бу ҳақда проф. Девин де Уис томонидан Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға” асари муносабати билан хабар берилган². Туркияда Жем Дилчин томонидан нашр этилган “Турк шеър билими” китобида мумтоз шеърӣ жанрлар қаторида таржиъбанд ва таркиббанд ўрганилган, унга Усмонли турк адабиётидан мисоллар келтирилган³. Эрондаги Техрон ва Табриз университетларида форс шеърӣятидаги мумтоз жанрлар қаторида тадқиқотимиз мавзуси бўлган жанрлар ҳақида тадқиқотлар амалга оширилган⁴. Тожикистон Фанлар академияси олимлари томонидан форс-тожик поэтикасига доир ишлар таркибида мазкур жанрлар балоғат фанлари билан биргаликда тадқиқ этилган⁵. Қозоғистон Фанлар академияси Олмаота бўлимида проф. И.Жеменей томонидан амалга оширилган Шайх Аҳмад Тарозий асарининг қозоқча таржимаси сўзбошисида мазкур олим таржиъбанд ва таркиббанд жанрларига оид фикрларини баён қилган⁶.

Ўзбек мумтоз адабиётшунослигида Шайх Аҳмад Тарозий ва бошқа олимлар томонидан таржиъбанд ва таркиббанд ҳақида айрим назарий мулоҳазалар айтилган бўлиб, олим “таржиъ” истилоҳи орқали таржиъбанд жанрини мумтоз шеър навъи сифатида тушунтирган ва таркиббандга “таржиъ”нинг бир тури сифатида ёндашган⁷. XX аср бошларида мазкур жанрларга оид айрим маълумотларни А.Фитрат, С.Айний ишларида учратиш мумкин.⁸ Ушбу жанрлар назариясига оид қарашлар А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, Ё.Исҳоқов, Р.Орзибеков, И.Ҳаққулов, Ҳ.Болтабоев,

² Devin de Weese. The predecessors of Navai in the Funun al-balaghah of Shaykh Ahmad b. Khudaydad Tarazi: A neglected source on Central Asian literary culture from the fifteenth century. Festschrift in honor of Eleazar Birnbaum. Ed. Virgine Aksan. Vol. 29. 2005. - P. 73-163.

³ Dilçin Cem. Örnekle Türk Şiir bilgisi. 8. Baskı. – Ankara, 2005. - S. 233-251.

⁴ Даромади торихи бар назираи адабий. аз Афлотун то Борат. – Техрон, 1381 (ҳижрий-қамарӣй).

⁵ Мусулманқулов Р. Персидско-таджикская классическая поэтика X–XV веков. - М.: Наука, 1989. - С. 131-140.

⁶ Тарази Шейх Ахмет Қудайдад. Коркем соз онери. – Алматы, 2013. - Б. 3-12.

⁷ Тарозий Шайх Аҳмад. Фунуну-л-балоға. – Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2017. - Б. 48-56.

⁸ Фитрат. Адабиёт коидалари / Танланган асарлар. 4-жилд. – Т.: Маънавият, 2010. - Б. 43-44; Айний С. Асарлар. Саккизинчи том. Т.: Бадиий адабиёт нашриёти, 1965.

Д.Юсупова⁹ каби олимларнинг тадқиқот ва мақолаларида акс этган. О.Носиров, С.Жамолов, М.Зиёвуддинов ҳаммуаллифлигида ёзилган “Ўзбек классик шеърляти жанрлари”¹⁰ қўлланмасида таржиъбанд ва таркиббанд жанрларига қисқача тўхталиб ўтилган. Адабий тур ва жанрлар юзасидан тадқиқотлар олиб борган проф. Р.Орзибеков “Ўзбек лирик шеърляти жанрлари”¹¹ монографиясида таржиъбанд ва таркиббанднинг луғавий ва истилохий шарҳлари поэтикага оид асарларда учрашига, уларнинг шаклий кўринишларига изоҳ бериб ўтади. Навоийшунос олимлар Д.Юсупова “Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи” (Алишер Навоий даври) қўлланмасида¹² қисқача, кейинчалик Ш.Сирождидинов ва О.Давлатов билан ҳаммуаллифликда ёзган дарсликда ушбу жанрлар доирасида фикр билдирган¹³.

Бироқ шу кунга қадар ўзбек адабиётшунослигида таржиъбанд ва таркиббанд жанрлари такомилли бўйича алоҳида иш яратилмаган, ушбу жанрларнинг ўзбек мумтоз адабиётида тутган ўрни, адабиётшуносликда тутган мавқеи юзасидан фундаментал тадқиқот олиб борилмаган. Диссертация ушбу илмий-адабий эҳтиёждан келиб чиқиб юқоридаги вазифаларни ҳал этишга қаратилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот мавзуси ЎЗМУ илмий тадқиқотлар режасига киритилган бўлиб, Ўзбек адабиётшунослиги кафедрасининг “Бадиий матн ва унинг таҳлили” мавзусидаги тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўзбек мумтоз адабиёти тарихида яратилган таржиъбанд ва таркиббанд жанрларига оид манбалар, ушбу жанрларнинг ХХ аср бошларига қадар тадрижи, шаклий ва мазмуний такомиллини тарихийлик ва замонавий адабиётшунослик талабларидан келиб чиқиб таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- ўзбек мумтоз адабиётшунослигида таржиъбанд ва таркиббанд жанрларининг назарий асосларини белгилаш;
- Алишер Навоийгача бўлган даврда таржиъбанд ва таркиббанд жанрларининг қўлланилишини Ҳофиз Хоразмий, Юсуф Амирий асарлари мисолида кўрсатиш;

⁹ Қаюмов А. Дилкушо такрорлар ва рухафзо ашъорлар. – Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2016; Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Т.: O‘zbekiston, 2015; Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. – Т.: O‘zbekiston, 2015; Орзибеков Р. Ўзбек поэзиясида мураккаб структуралли жанрлар. – Самарқанд, 1983; Орзибеков Р. Ўзбек лирик шеърляти жанрлари. – Т.: Фан, 2006; Ҳаққулов И. Ўзбек адабиётида рубоий (жанрнинг поэтикаси ва тарихи). – Т.: Фан, 1981; Ҳаққулов И. Увайсий шеърляти. – Т.: Фан, 1982; Шарқ мумтоз поэтикаси Ҳ.Болтабоев талқинида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриёти, 2008. Д. Юсупова. Алишер Навоийнинг Ғариб Мирзога бағишланган таркиббанд-марсияси хусусида // Alisher Navoiy va XXI asr mavzusidagi xalqaro ilmiy-nazariy anjuman materiallari. 2020. 5-сон.

¹⁰ Носиров О, Жамолов С, Зиёвуддинов. Ўзбек классик шеърляти жанрлари. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – Б. 121-122.

¹¹ Орзибеков Р. Ўзбек лирик шеърляти жанрлари. – Т.: ЎЗФА, 2006. - Б. 232-242.

¹² Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер Навоий даври). – Т.: Академнашр, 2013. – Б. 51-54.

¹³ Sirojiddinov Sh., Yusupova D., Davlatov O. Navoiyshunoslik. – Т.: Tamaddun, 2018. – Б.312-317.

- Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” девонидаги таркиббанд ва таржиъбандларини ғоявий-бадий жихатдан таҳлил этиш;
- ўзбек мумтоз шоирлари Увайсий ва Нодира ижодидаги ушбу жанр намуналарини шаклий ва мазмуний жихатдан тадқиқ этиш;
- таржиъбанд ва таркиббанднинг жанр поэтикаси (қофия, вазн, бадий санъатлар)ни белгилаш;
- Муҳаммадризо Огаҳий таржиъбандларининг мумтоз анъаналарга хос хусусиятларини таҳлилга тортишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ҳофиз Хоразмийнинг “Девон”и, Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” девони таркибидаги ва Увайсий, Нодира, Огаҳий каби ижодкорларнинг таржиъбанд ва таркиббандлари белгиланди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида таржиъбанд ва таркиббанд жанрларининг назарий асослари, бошқа мумтоз поэтик жанрлардан фарқли жихатлари ва бу жанрда ёзилган асарларнинг поэтик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Мазкур тадқиқотни амалга оширишда бадий матн таҳлили усулидан, тарихий-қийсий, тавсифлаш, биографик, айрим асарлар таҳлилида структурал методлардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Ўзбек мумтоз адабиётидаги адабий тур ва жанрлар муаммосини тадқиқ этишда таржиъбанд ва таркиббанд жанрлари назарий жихатдан монографик планда ўрганилмаганлигини ҳисобга олиб, тадқиқот объекти қилиб олинган асарлар мумтоз адабиётшунослик ва бугунги адабиётшунослик талаблари асосида ўрганилиши тадқиқотнинг илмий янгилигини белгилайди.

таржиъбанд ва таркиббандларнинг жанр хусусиятлари асосида уларнинг ирфоний, тасаввуфий ва риндона мавзулари, муаллиф ғояси, анъанавий образлар тизими, асар структурасида сюжет ва композициянинг мумтоз адабиёт тараққиётида Ҳофиз Хоразмий, Навоий ва Огаҳий ижодидаги ўрни ва мумтоз анъаналарнинг Увайсий ва Нодира асарларидаги роли очиб берилган;

ўзбек адабиёти тарихида муаллифи номаълум бўлган таржиъбанд Ҳофиз Хоразмий ижодига тегишли эканлиги асарнинг қўлёзма нусхаси ва мазмуни асосида исботланган;

Алишер Навоий таржиъбандларининг ғоявий-бадий хусусиятлари, қофия, вазн ва бадий санъатлар нуқтаи назаридан юксаклиги, тасаввуфий, диний-маърифий, ишқи мажозий ва ишқи ҳақиқий каби мавзулар доирасида эканлиги далилланган;

Муҳаммадризо Огаҳий таржиъбандларининг образлар талқинидаги анъанавийлик, салафлари ижодидан самарали таъсирлангани ва асарлари ички структурасида шакл ва мазмуннинг мутаносиблиги ва асар ғояси билан уйғунликдаги ўзига хослиги очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Таржиъбанд ва таркиббанд жанрларини тадқиқ этиш натижасида чиқарилган илмий хулосалар “Ўзбек

адабёти тарихи”, “Навоийшунослик”, “Мумтоз поэтик таҳлил” каби фанларни янги илмий-назарий қарашлар билан бойитади. Шунингдек, ўзбек мумтоз адабиётига доир мажмуалар тузишда таржиъбанд ва таркиббандларнинг жанр хусусиятларини белгилаган ҳолда иш кўриш лозимлиги аниқланган.

Шарқ мумтоз шеърятини бўйича ўзбек адабиётидаги таржиъбанд ва таркиббанд ёзиш тажрибаси ва уларнинг таҳлилидан тадқиқот ва мақолалар ёзишда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммоларнинг аниқ белгиланганлиги, қиёсий, бадий таҳлил, психологик ёндашув методлари асосида олиб борилгани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга татбиқ этилгани тегишли ташкилотлардан олинган тасдиқлар билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ўзбек адабиётшунослигининг кенг миқёсда чуқурлашуви даврида мумтоз шеърят жанрларининг назарий асосларини белгилаб беришда, таржиъбанд ва таркиббанд жанрларига замонавий жанрлар поэтикаси талабларидан келиб чиқиб ёндашувда, турк (ўзбек) ва форс шеърятини ушбу жанрларга оид адабий тажрибалар таҳлил қилинганлигида кўринади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти олий таълим муассасаларида филолог кадрлар тайёрлаш борасида дарслик, ўқув қўлланмалари ва дастурлари яратишда, академик лицейлар ҳамда ижодий ва чуқурлаштирилган мактаблар учун ўзбек адабиёти тарихидан ўқув адабиётлари яратишда фойдаланилади. Шунингдек, маъруза, амалий машғулот, семинар ва махсус курслар олиб боришда, маънавий-маърифий меросимизни тарғиб этиш ишларида истифода қилиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек мумтоз адабиётида таржиъбанд ва таркиббанднинг тадқиқи бўйича эришилган илмий натижалардан:

таржиъбанд ва таркиббанд жанрларида Алишер Навоий ижоди юксак нуқтага эришилганлиги, XV-XIX асрлар шеърятини кўрсатган таъсири, унинг мазкур жанрларда ёзилган асарлари мазмуний мундарижаси, бадий хусусиятлари ва мумтоз шеърятда таркиббанд жанрининг мураккаб шакл ва мазмунга эга шеърини жанрлардан бири экани, қиёсий таҳлил тажрибаларидан келиб чиқиб, Увайсий ва Нодира асарлари маҳорат нуқтаи назаридан таҳлил этилганлиги, Огаҳий ижодий меросида таржиъбанднинг тутган ўрни ҳақидаги хулосалардан ЎЗР Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида Давлат илмий-техника дастури доирасида амалга оширилаётган ОТ-Ф1-77 рақамли “Ўзбек адабиёти дурдоналари 100 жилдлигини нашрга тайёрлаш” (2017-2020) фундаментал илмий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 4 ноябрдаги 3/1255-3033-сон маълумотномаси). Натижада ушбу лойиҳанинг

Алишер Навоий, Увайсий, Нодира ва Огаҳий ижодига бағишланган қисмлари диссертантнинг илмий кузатувлари асосида батафсил маълумот беришга эришилган;

адабий тур ва жанрлар ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларининг мумтоз адабиётда акс этиши, Алишер Навоий ижодий меросида, хусусан, “Ҳазойин ул-маоний” девонлари таркибидаги таржиъбанд ва таркиббандларнинг поэтик жиҳатлари қорақалпоқ ва ўзбек мумтоз адабиёти вакиллари ижодига сезиларли таъсир ЎзР Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида Давлат илмий-техника дастури доирасида амалга оширилган ФА-Ф-1-005 рақамли “Қорақалпоқ фольклори ва тарихи тадқиқи” (2017-2020) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (ЎзРФА Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 13 августдаги 199/1-сон маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ фольклори ва адабиёти тарихида мумтоз шоирлар ижодида учрайдиган таржиъбанд ва таркиббанд жанрларига доир қарашлар кенгроқ ёритилган;

ўзбек халқининг бой адабий мероси, хусусан, ўзбек мумтоз адабиёти нафақат Шарқ мамлакатлари, балки умумтуркий адабиётда дунё халқлари адабиётшунослигига муносиб ҳисса кўшиб келаётганлиги ва шу билан бирга жаҳон адабиётида Алишер Навоий ижодининг алоҳида ўринга эга эканлиги, шоир ижодидаги миллий ўзлик ғоялари ўзбек халқи илдизлари билан узвий боғланганлиги халқимиз маънавий меросини юксалтириш борасидаги илмий-амалий таклиф ва хулосалари Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2020-2021 йилларда ўтказилган тарғибот фаолиятида татбиқ этилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 28 сентябрдаги 02/08-770-сон маълумотномаси). Натижада Марказнинг маънавий-маърифий ишларини ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир чора-тадбирлар дастури мукаммаллашган, миллий давлатчилигимиз тарихи, буюк аждодларимизнинг бой маънавий меросини ўрганишда, Алишер Навоий, Муҳаммадризо Огаҳий, Увайсий, Нодира каби атоқли ижодкорлар асарларини ўрганиш тажрибаси тарғибот фаолиятига татбиқ этилган;

диссертациядаги Алишер Навоий, Нодира, Огаҳий таржиъбандлари ва таркиббандлари поэтикасига доир кузатишлар, уларнинг мавзу кўлами ва бадиияти очиб берилган диссертантнинг таклиф ва хулосаларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Ўзбекистон тарихи” телеканалининг “Мавзу”, “Тақдимот кўрсатувларининг сценарийларини ёзишда ва фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 21 сентябрдаги 01-40/1473-сон маълумотномаси). Натижада

юқорида тилга олинган кўрсатувларнинг мавзу доираси кенгайган, уларнинг мазмуни илмий далиллар билан таъминланган ва Навоий, Огаҳий, Увайсий, Нодира ижодининг тарғиб қилинишига хизмат қилган;

озарбойжон мумтоз адабиёти намояндalари Низомий, Насимий ижоди ҳамда озарбойжон адабиётшуносларининг билан ўзбек олимларининг таржиъбанд ва таркиббандга доир қарашларини қиёслаб кўрсатилган назарий хулосалардан Озарбойжон Миллий илмлар академияси Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институтининг Озарбойжон-Туркменистон-Ўзбекистон адабий алоқалари бўлимида “Қадим давр ва ўрта асрлар Озарбойжон адабиёти” мавзуидаги тадқиқотларда (АМЕА Низомий Ганжавий номидаги Адабиёт институтининг 2021 йил 12 октябрдаги 02-242 сонли маълумотномаси) фойдаланилган. Натижада Насимий ижодида таржиъбанд жанрини тадқиқ этишда, Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” девонидаги жанрлар таркибини ўрганишда диссертациядаги қарашлар назарий асос сифатида ёрдам берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари муаллифнинг 12 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 9 та халқаро конференциядаги чиқишларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларида 9 та илмий мақола, жумладан, уларнинг 4 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 154 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркиби бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Ўзбек мумтоз адабиётида таржиъбанд ва таркиббанд жанрларининг шаклланиши” деб номланган биринчи бобининг дастлабки фасли “*Таржиъбанд ва таркиббанднинг назарий асослари*” деб номланади. Бу ўринда жанрларнинг таркиб топиши,

таржиъбанд ва таркиббанд ҳақида билдирилган назарий қарашлар ва бу қарашларга муаллифнинг муносабати билдирилади.

Мумтоз адабиётда байтли шеърӣй шакллар ва бандли шеърӣй шакллар мавжуд эканлиги ўзбек олимларининг соҳага доир ишларида аниқланган¹⁴. “Жанр поэтикаси ва тарихий тараққиётига эътибор қилмай туриб, умумшеърӣятнинг такомил, унинг инсон маънавий оламидаги ўрни ҳақида тўла тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас. ...Жанр категорияси ўз ичига фақат шакл масалаларинигина эмас, бадий ижоднинг мазмунга тегишли томонларини ҳам тўла қамраб олади”, деб ёзади проф. И.Ҳаққулов¹⁵. Ғазал, рубоӣй, қитъа, туюқ, фард байтли шеърӣй шакллар бўлса, таржиъбанд, таркиббанд, соқӣйнома мураккаб тузилишга эга бўлган бандли шеърӣй шакллар ҳисобланади.

Таржиъбанд ва таркиббанд Шарқ мумтоз поэтикасига оид шеър навларидан бўлиб, уларни ўрганишда изоҳли ва адабиётшуносликка оид луғатлар ҳамда Рашидиддин Ватвот, Шамс Қайс Розий, Шайх Аҳмад Тарозий, Атоуллоҳ Ҳусайний каби назарӣётчиларнинг фикрларига таяниб иш кўриш мақсадга мувофиқ келади.

Ғиёсиддин Муҳаммад “Ғиёс ул-луғат”¹⁶, “Фарҳанги истилоҳоти адабиётшуноси”¹⁷, А.Мираҳмедовнинг “Адабиётшунослик” энциклопедик луғати¹⁸, Д.Қуронон ва бошқалар томонидан тузилган “Адабиётшунослик луғати”¹⁹, Алишер Навоӣй “Қомусий луғат”ида²⁰ *таржиъбанд* – кўпроқ фалсафӣй-ахлоқӣй мавзуда ёзилган, бир неча бандлардан иборат ва ҳар бир банднинг сўнгида такрорланувчи восита байт келиши умумий тарзда баён қилинган. XII асрда яшаб ўтган назарӣётчи Рашидиддин Ватвот таржиъбандни шеър шакли сифатида шарҳ этади: “*Таржиъ* форсча шеърнинг такрорига айтилуру. Шоирлар у шеърни таржиъ деюрларки, банд-банд олурлар ва ҳар бандда беш-ўн байтни олурлар. Ҳар банднинг қофияси бошқа банднинг қофиясидан фарқланур. Ҳар банднинг охирида бошқа бир байт келтирурлар ва бундан кейин навбатдаги бандга ўтарлар. Бандлар орасидаги бошқа байти таржиъ дейилур ва бу байтнинг уч навини олурлар: ҳар банднинг охирида байт айнан такрор этилуру ёки ҳар бирининг ўзига махсус қофияси билан (мухталиф) байтлар келтирилур ва ёки айнаи бир қофияда мухталиф байтлар берилурки, буларнинг сайъи бир банддаги байтларнинг сайъича баробар бўлур. Агарда бу байтлар бир ерга тўпланса, бошқа бир банд яратилур”²¹. Кўринадики, Рашидиддин Ватвот таржиъбанднинг восита байти ҳақида гапира туриб, таркиббанднинг восита байтига ҳам ишора

¹⁴ Орзибеков Р. Ўзбек классик поэзиясида мураккаб структурали жанрлар. – Самарқанд, 1983; Орзибеков Р. Ўзбек лирик шеърӣяти жанрлари. – Т.: Фан, 2006. Ҳаққулов. И. Ўзбек адабиётда рубоӣй. - Т.: Фан, 1981.

¹⁵ Ҳаққулов. И. Ўзбек адабиётда рубоӣй. - Т.: Фан, 1981. – Б. 3.

¹⁶ Ғиёсиддин Муҳаммад. Ғиёсу-л-луғат. 2-жилд. – Техрон. – Б. 176.

¹⁷ Фарҳанги истилоҳоти адабиётшуноси. – Душанбе, 1966. – Б. 113-114.

¹⁸ Әdebijjашунаслыг. Энциклопедик луғат. Бакы: Азербайжан, 1998. S. 205-205.

¹⁹ Қуронон Д. ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. –Т.: Akademnashr, 2010. – Б. 321.

²⁰ Алишер Навоӣй. Қомусий луғат. “SHARQ” НМАК, –Т.: 2016. – Б. 20.

²¹ Рашид ад-Дин Ватват. Сады волшебства в тонкостях поэзии. Перевод с персидского, исследование и комментарий Н.Ю. Чалисовой. - Москва, 1985. – С. 323.

килади, яъни “...агарда бу байтлар бир ерга тўпланса, бошқа бир банд яратилур”.

Атоуллоҳ Хусайний “Бадойиъу-с-санойиъ” асарида таржиъбанднинг араб ва ажам шоирларига хослигини ҳамда уларнинг фарқли томонларини кўрсатиб бериш билан бирга уларга бадий санъат нуктаи назаридан ёндошган²².

Назариётчи Шамс Қайс Розий таржиъбандни қуйидагича таърифлайди: “Таржиъбанд улким, қасидани бир неча қисмга бўладилар ва бунда уларнинг ичидаги вазн бир хил ҳамда қофияси турлича бўлади. Шоирлар ҳар бир қисм (парча)ни бир хона деб ҳисоблайдилар ва ҳар бир хонанинг ўртасига алоҳида бир байт жойлаштириб, уни таржиъбанд деб атайдилар”. Шамс Қайс Розий унинг бир неча турларини келтиради.

Шайх Аҳмад Тарозий ўзининг “Фунуну-л-балоға” асарида таржиъбанд ҳақида нисбатан батафсил маълумот беради: “Таржиъ ул бўлурким, шеъре айтурлар, банд-банд барчаси бир баҳрда. Ҳар банднинг ўзи беш байт бўлур ва кўпи тўққиз байт ва ҳар бирининг охирида бир ўзга байтни такрор қилурлар, ул байтни таржиъ дерлар” тарзидаги изоҳ билан

Эй лаъл кўнгул экинга марҳам,

Афгор кўнгулни айла хуррам, -

деб бошланувчи таржиъбандни келтиради ва унинг восита байти қуйидагича:

Май ичса киши нигор бирла,

Айш этса мудом ёр бирла.

Тарозий таржиъбанднинг беш турига изоҳ беради: “Ва таржиъ беш қисм бўлур. Аввалғи қисми ул бўлурким, ҳар банднинг қофияси ўзга тарика бўлур. Ва ҳар бандким, тамом бўлса, охирида бир байтни такрор қилурлар, нечукким мисолин кўргуздук”²³. Тарозий таржиъбанднинг:

биринчи турида ҳар банддан сўнг таржиъ байтлари бир хил такрорланиши;

иккинчи турида таржиъ байтлари такрорланмай бошқа-бошқа байтлар келтирилиши;

учинчи ва тўртинчисида қофияга эътибор қаратиб, учинчи турида бандлар таржиъ байти билан қофиядош бўлишини, аммо восита байтлари айнан бир хил бўлмаслиги;

тўртинчи турида эса, таржиъ байтлари айнан бир хил бўлмаса-да, бироқ улар қофиядош бўлиши;

бешинчи турида таржиъбанднинг марсиявий ва мадҳиявий характерга эга бўлишини таъкидлайди.

Кўринадики, Тарозий таржиъбанднинг фақат биринчи туридагина таржиъ байт ҳар бир банддан сўнг бир хил бўлиб такрорланишини кўрсатади.

²² Атоуллоҳ Хусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. – Б.174-175.

²³ Шайх Аҳмад ибн Худайдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. Нашрга тайёрловчилар: Ҳ.Болтабоев, Ж.Жўраев. – Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2017. – Б.17.

Қолган ўринларда (2-, 3-, 4-, 5-) бандлар охирида бир хил таржиъ – восита байтлар такрорланмаслигини ёзади. Бу жиҳатдан таржиъбанднинг 2-, 3-, 4-, 5-турлари таркиббанд жанрининг талабларига мос келади. Демак, Тарозий таркиббандга алоҳида кенг тўхталмасдан, таржиънинг бир шакли сифатида қарагани маълум бўлади. Рашидиддин Ватвот томонидан таржиъбанднинг восита байтлари бир хил бўлиб такрорланмайдиган турларининг кўрсатилиши Шайх Аҳмад Тарозийнинг фикрлари билан бир-бирига муштарак эканлигини кўрсатади. Демак, Тарозийнинг таржиъбанд ҳақидаги назарий қарашлари таркиббанд жанри таржиъбанд асосида кейинроқ юзага келган деган мулоҳазаларга асос бўла олади.

XX асрда озарбойжон шеърининг шакллари ўрганган С.Алиев, К.Хусайн ўғли, турк олими Жам Дилчин ғарб туркчасидаги таржиъбанд ва таркиббандларни изчил ўрганишган. Проф. Абдурауф Фитрат “Адабиёт қоидалари”да таржиъбандга қисқача изоҳ беради: “Узун бир тизма бир неча қисмга айираладир. Ҳар бир қисмнинг ўзига махсус қофияси бўладир... Биринчи қисмининг охириги икки мисраъи ҳар қисмнинг охирига қайтарилиб турса, “таржиъбанд” аталади”²⁴ деб тушунтирган бўлса, кейинги давр ўзбек олимлари А.Ҳайитметов, Р.Орзибеков, О.Носиров, Т.Бобоев, А.Ҳожиаҳмедов, И.Ҳаққулов таржибанд тўғрисида ўз мулоҳазаларини билдирганлар²⁵.

Таржиъбанд, асосан, ҳар бир банд охирида такрорланиб келувчи байтлари билан характерланади. Таржиъбанд ҳар бир байтнинг ҳар банд охирида айнан такрорланиб келиши билан характерланувчи шеър бўлганлиги учун ҳам шу такрорланувчи байт “восита байт”, “бош байт”, “сари байт” деб юритилади ҳамда маснавий ва ғазал тарзида қофияланади. Демак, ушбу байт таржиъбандлардаги бандларни бир-бири билан боғлашда асосий восита ҳисобланади. Лекин бу байт таржиъбанд шеърининг ҳар бир банди бош байти, яъни матлаъсида бошқача қофияланади. Чунки бандлардаги бошланғич байтнинг қофияси *а-а* шаклидадир, навбатдаги байтларда эса ғазаллардаги қофияланиш усулига ўхшаб фақат иккинчи мисралар (*б-а, в-а, г-а...*) тарзида қофияланади ва улар охириги таржиъ байтигача шу ҳолда давом этади. Ҳар банд охирида бир хил такрорланиб турувчи таржиъ байтда шоир айтмоқчи бўлган ғоявий муддао, асосий фикр таъкидланади ва ўқувчи диққати доим шу байтдаги хулосага қаратиб борилади.

Таржиъбанддаги бандлар миқдорини танлаб олинган мавзу кўлами, ғоявий мазмуни ва лирик қаҳрамон кечинмаларининг ҳолатини ифодалашдаги муаллифнинг позициясини белгилайди. Таржиъбандда банд ва ундаги байтлар миқдорининг кўп ёки озлиги унинг шакл хусусиятига кескин таъсир этмайди. Алишер Навоий ижодида 7, 9, 10 бандли таржиъбандлар,

²⁴ Фитрат А. Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаллимлари ҳам ҳаваслилари учун қўлланма / Нашрга тайёрловчи Ҳ. Болтабоев. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 55.

²⁵ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Т.: O‘zbekiston, 2015. – Б.38; Носиров. О. ва б. Ўзбек классик шеърининг жанрлари. – Т.: 1979. – Б. 121; Орзибеков Р. Ўзбек лирик шеърининг жанрлари. – Т.: 2006. – Б. 232-236; Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: 2002. – Б. 493-494; Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият луғати. – Т.: 2008. – Б. 130.

Огаҳий ижодида эса 5,7 бандли таржибандлар бор. Таржиъбанднинг дастлабки намуналарини XV асрнинг биринчи ярмида Ҳофиз Хоразмий ва Юсуф Амирий ижодида кузатамиз.

Таржиъбанд ҳажми анча катта бўлганлиги сабабли унда лирик кечинмалар, хилма-хил туйғулар, ҳиссиётлар оламини кенг кўламда ифодалаш имконияти мавжуд. Айни чоғда, бу хил асарларни яратиш ижодкордан юксак бадий санъаткорликни ҳам талаб этади.

Таркиббанд ҳақида назарий адабиётлар ва луғатларда таржиъбандга нисбатан кам маълумотлар келтирилган. Бунинг боиси юқорида кўрилгани каби унга таржиънинг бир шакли сифатида ёндошилишидандир. XII асрда Рашидиддин Ватвот таркиббанд ҳақида фикр билдириб, “...ҳар банд охирида ҳар бирининг ўзига махсус қофияси билан (мухталиф) байтлар келтирилур ва ёки айни бир қофияда мухталиф байтлар берилурки, буларнинг сайъи бир банддаги байтларнинг сайъича баробар бўлур. Агарда бу байтлар бир ерга тўпланса, бошқа бир банд яратилур”, деб изоҳ берган²⁶. Тоҳир Мавлавий шундай таъриф беради: “Таркиббандни вазнда ғазал шаклида ва вазнида ёзилиши мутааддид манзуманинг бирор байт орқали бир-бирига боғланувчи шаклидир. Бу байтга “васила”, василалар ёрдамида тузилган манзумаларга “банд” ёхуд “таркиббанд” дейилади. Таркиббандларнинг ҳар бири “таркибхона” деб аталади ва ғазал шаклида қофияланади”²⁷. Проф. Фитрат: “Узун бир тизма бир неча қисмга айриладир. Ҳар бир қисмининг ўзига махсус қофияси бўладир. Бироқ ҳар қисмнинг охиргисини бутунлари бошқа қофияда ё бир неча қисм билан бир қанча қофияда бўладир. Бунга таркиббанд дерлар”²⁸ деган қисқа таъриф билан чекланади.

Демак, таркиббанд таржиъбанд асосида вужудга келган бўлиб, унинг фарқи восита байтнинг такрор келмаслигида ва ҳар бир банднинг сўнгги байти мақтаъни бир бир ўринга йиғилса, алоҳида бир ғазал шаклининг олишидир. Таркиббанднинг бошқа жиҳатлари таржиъбанднинг хусусиятларига мос келади.

Бобнинг **“XIV-XV асрлар ўзбек шеъриятида таржиъбанд ва таркиббанд жанрлари”** номли 2-фаслида Юсуф Амирий ва Ҳофиз Хоразмий таржиъбандлари таҳлилга тортилган. Юсуф Амирий ижодида тўққиз банд, 36 байтдан иборат таржиъбанд бор. Таржиъбанд маъшуқасидан меҳр кўрмаган ошиқнинг кайфияти ифодаси билан бошланиб, ҳар банд охирида қуйидаги таржиъ – восита байти келтирилади:

*Ҳолатим бад, гусса беҳад, васл мақсад, нола беш,
Бахт вожгун, дард афзун, дийда пурхун, сийна реш*²⁹.

Таржиъбанд *а-а-а-а-а-а*; *б-б* тарзида қофияланган. Таржиъбанднинг охириги восита байтига эътибор қаратилса, унда ички қофия мавжуд: *бад-*

²⁶ Рашид ад-Дин Ватват. Сады волшебства в тонкостях поэзии. Перевод с персидского исследование и комментарий Н.Ю. Чалисовой. – М.: 1985. – С. 323.

²⁷ Мавлавий Тоҳир. Адабиёт луғати. 1971. – Б. 130.

²⁸ Фитрат А. Адабиёт қоидалари. Адабиёт муаллимлари ҳам хавасиллари учун қўлланма / Нашрга тайёрловчи Ҳ. Болтабоев. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – Б. 55.

²⁹ Навоийнинг нигоҳи тушган. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. Кейинги мисоллар ҳам шу асардан олинди.

беҳад-мақсад; вожгун-афзун-пурхун. Бу билан шоир *мусажжаъ қофиядан* фойдаланилгани англашилади. Мусажжаъ шеърларда байтлардаги мисраларни тўртга бўлиб, олдинги уч бўлак ўзаро мустақил ҳолда қофияланиб, тўртинчи бўлак эса алоҳида ҳолда қофияланади. Мусажжаъ қофия тўрт тенг бўлакка бўлинган саккиз рукнли мусамман байтларда қўлланилади. Масалан, жадвалда:

Ҳолатим <i>бад</i>	ғусса <i>беҳад</i>	васл <i>мақсад</i>	нола <i>беш</i>
Бахт <i>вожгун</i>	дард <i>афзун</i>	дийда <i>пурхун</i>	сийна <i>реш</i>

Ўзбек мумтоз адабиёти тарихида Навоийга қадар мукаммал девон тартиб берган шоир Ҳофиз Хоразмий бўлиб, шоир бадий маҳорат бобида Навоийгача бўлган ўзбек ғазалиётининг беназир устозларидан саналади. Ҳофиз Хоразмийнинг уч таржиъбанди ва 40 байтдан иборат бир таркиббанди девонидан ўрин олган, уларнинг умумий ҳажми 272 байтни ташкил қилади.

Ҳофиз Хоразмийнинг таржиъбандлари 9 бандли бўлиб, унинг ҳар бир банди 10 байтдан иборат, фақат учинчи таржиъбанднинг 9-банди 11 байтдан ташкил топган. Таржиъбандлар мазмунан бир-бирига боғланган, тил ва услуб жиҳатидан бир-бирини тўлдиради. Биринчи банднинг охирида:

*Ким, эрур ишқ толибу матлуб,
Олам ичра муҳиббу ҳам маҳбуб*

байти такрорланиб келади. Ҳар бир банди *а-а, б-а, в-а, г-а, д-а, е-а, ё-а, ж-а, з-а* бўлиб, таржиъ байти *а-а* тарзида қофияланиб келади. Таржиъбанднинг 1-, 2-, 3-, 4-, 5-, 7-бандларида радиф қўлланган.

Иккинчи таржиъбанд ҳам 9 банддан иборат, ҳар банди 10 байт. Қофияланиш тартиби биринчи банддаги каби *а-а, б-а, в-а, г-а, д-а, е-а, ё-а, ж-а, з-а* ва таржеъ байти *а-а* тарзида қофияланиб келади. Иккинчи таржиъбанднинг 8 бандида радиф қўлланган. Ҳар банд охирида қуйидаги восита байт такрорланиб келади:

*Ким ул маҳбубу матлуби жаҳондур,
Қаму(ғ) олам танинда жони жондур.*

Учинчи таржиъбанд юқоридаги таржиъбандлар каби 9 банддан иборат, ҳар банди 10 байт, фақат 9 банди 11 байтдан иборат, 3-, 5-, 7-, 8-, 9-бандларида радиф қўлланилган. Ҳар банд охирида қуйидаги байт такрорланиб келади:

*Ким эрур ишқ мақсаду мақсуд,
Топди андин вужуд ҳар мавжуд.*

Ҳофиз Хоразмий таржиъбандларининг тили содда, равон ва шунинг билан бирга бадийлик даражаси жуда юқори. Таржиъбандларда *тажохули орифона, ружуъ, тақрир, тазод, тарди акс, талмеҳ, ташбеҳ, таносуб, муболага, тажнис, китобат* каби бадий санъатлар кенг қўлланилган. Шеърда шоир илоҳий ишқ мажозий ишқ асосида туғилиши мумкинлиги бир байтнинг ўзидаёқ айtilган. Ҳофиз Хоразмий ўз таржиъбандларида ўттиздан ортиқ бадий санъатлардан фойдаланган.

Акад. Е.Э.Бертельс “Номаълум муаллифнинг чигатойча таржиъбанди” мақоласида Осиё музейида сақланган бир “чигатойча” таржиъбанд ҳақида маълумот бериб, “муаллифни аниқлаш ва у билан аниқ йилларни бериш имкони йўқ. Архаик императивнинг формаси бу асар Навоидан олдинги вақтда ёзилганлигини кўрсатади. Матнда йиллар берилмаган, лекин ташқи кўринишидан уни IX асрнинг бошларига тегишли эканлигини тахмин қилса бўлади... Бу муаммони турколог-мутахассислар ечадилар ва унинг муаллифини аниқлайдилар деган умиддаман”³⁰ деган хулосага келган.

Қўлёзма таржиъбанднинг вазн, қофия, радиф ва бадий санъатларнинг қўлланилиши жиҳатдан ўхшашликлар қўлёзмада ҳам девонда ҳам талайгина топилади. Ҳофиз Хоразмий девонидаги таржиъбандлар билан қўлёзма таржиъбанднинг қофия, радиф, бадий санъатлардан фойдаланиш жиҳатини ўрганиш орқали диссертацияда бу муаллифи номаълум таржиъбанд Ҳофиз Хоразмийнинг қаламига мансуб экани исботланди.

Ўзбек мумтоз адабиётида *таркиббанд* жанри илк бор Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунуну-л-балоға” асарида келтирилган мисолларда учрайди. Сўнгра бу жанр Ҳофиз Хоразмий мурожаат этади. Таркиббанд 4 банддан иборат бўлиб, ҳар банди 8 байт, жами 32 байт. Бу таркиббанд ўзбек мумтоз адабиётидаги таркиббанднинг илк намунаси деб қаралиши мумкин. Таркиббанднинг ҳар банди алоҳида ғазал кўринишидадир.

*Султон улким эрур шоҳи шахнишон,
Давлат қушига эшигидур доим ошиён.*

Таркиббанддаги бандлар мазмунан алоҳида-алоҳида ғазаллар бўлса-да, уларнинг банд охиридаги байтлар уни ўзаро боғлашга хизмат қилади. Бу восита байтлар таржиъбандлар каби такрорланмайди, аммо уларни бирлаштирганда байтлар ўзаро қофиядош бўлган, мазмунан ва шаклан янги бир бандни ҳосил қилади.

Юсуф Амирий ва Ҳофиз Хоразмийнинг ушбу жанрлардаги асарлари таржиъбанд ва таркиббанд Навоийгача ўзбек шеъриятида ҳам қўлланилганини билдиради. Мазмун, ғоя ва ифода жиҳатидан бу асарлар мазкур жанр айни ўзбек мумтоз шеъриятида XIV асрларнинг охири ва XV асрларда шаклланганини кўрсатади. Шайх Аҳмад Тарозийнинг назарий қарашлари ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Диссертациянинг 2-боби “**Алишер Навоий ижодида таржиъбанд ва таркиббанд жанрларининг бадий такомилли**” деб номланади. Бобнинг биринчи фасли “**Алишер Навоий таржиъбандларининг зоявий-бадий хусусиятлари**” деб номланиб, Ҳазрат Навоий таржиъбандлари таҳлилига бағишланган. “Хазойину-л-маоний”дан Навоийнинг тўрт таржиъбанди ўрин олган. Булар тасаввуфий, диний-маърифий, ишқи мажозий, ишқи ҳақиқий мавзуларда битилган. Таржиъбанд Навоий ижодида махсус ишланган поэтик жанрлардан биридир, таржиъбандлар мавзу доираси ва умумий руҳи билан бир-бирига яқин турса ҳам уларнинг ҳар бири ўзига хос йўналиш ва услубга

³⁰ Бертельс Е.Э. Чигатайский таржиъбанд неизвестного автора / Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965. - С. 470.

эга. Шунингдек, тузилиш жиҳатидан улар орасида маълум тафовутлар мавжуд: 1-таржиъбанд 10 банддан иборат бўлиб, унинг ҳар банди 10 байтдан, жами 100 байт; 2-таржиъбанд 8 банддан иборат бўлиб, ҳар банди 11-12 байтдан ташкил топган, жами 103 байт; 3-таржиъбанд 7 банддан иборат бўлиб, ҳар банди 8 байт, жами 56 байтдан иборат; 4-си эса 10 банддан ташкил топган бўлиб, ҳар банди 11 байт; жами 110 байтдан иборат.

Навоийнинг биринчи таржиъбанди:

*Кетур соқий, ул майки, субҳи аласт,
Анинг нашъасидин кўнгул эрди маст...*

байти билан бошланиб:

*Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илгимда синган сафол, -*

унинг восита байтидир.

Таржиъбанд зоҳирий маъносига кўра: Соқий, тонгдан менга майингни келтиргинки, унинг нашидасидан маст бўлай... Унинг восита байти эса куйидаги мазмунни беради:

1. Харобот моддий дунёнинг рамзи бўлиб, унга шеър қаҳрамони кўлида синган сафол идиш билан паришон ҳолатда кириб келмоқда.

2. Харобот аро дарвеш илоҳий ишқ истаб, синган сафоли, яъни “илоҳий восита”си билан дарвешлар ёнига ошуфта кириб келмоқда.

3. Харобат – майхона, синган сафол эса – кўнгил. Ошиқ синган кўнгил билан илоҳий ишқдан умидвор бўлиб, синиқ кўнгли билан ошиқлар масканига синиқ ҳаяжонда кириб келмоқда.

Таржиъбанднинг иккинчи банди ҳам соқийга мурожат билан бошланади:

*Кетур, соқиё, муждае жомдин,
Ки пажмурда бўлмишмен анжомдин.*

Эй, соқий, қадаҳ хабарини келтиргинки, сўлгин, эзилган кайфиятим тарқалсин. Бу гулшанда унга вафо йўқдир, шундай экан, не учун мен гулранг, қизил майдан кечай? Субҳнинг хуморини шомда ичиб, шомдан субҳни англамай қолай. Бу тузоқдан майдан сўнг нуқл (газак) тановул қилиб, халос бўлай. Майхона пирига мурид бўлайки, майхўрни ёд этмайин. Мажнуни маст аҳволда майхона аро кирайинки, донишмандлару хослар барчаси кетсинлар. Юқоридаги байтда Навоий *мужда, пажмурда; жом, анжом* каби ўзакдош сўзларни қўллаш орқали иштиқоқ санъатини ҳосил қилган.

Асарда тавсаввуфий ғояларни ўзида ташиётган лирик қаҳрамон – ринд образи билан шоир образи ўзаро бир-бирига ҳамоҳанг ва уларнинг ички кечинмалари жуда мос келган. Ҳар банд охиридаги нақорат шоир руҳиятини ҳам жуда чуқур ифодалайди. Охирги банд хулоса тарзида бўлиб, борлиқ ва ҳаёт қонуниятлари устида узок-узок мушоҳада юритиб, ўз саволларига жавоб топа олмаган ва ўз қалбига таскин бера олмаган файласуфнинг жавобсиз қолган савол ва хулосалари ифодасидан иборат:

*Нечук май била бўлмасун улфатим,
Ки жон қасди айлар гаму меҳнатим...*

Ошиқ чора топмай харобот аро синган идишни кўтариб, май истаб исён қилмоқда. Ошиқ қалби ишқ туфайли беғубор шишага айланади. Унга озор етса, синиб кетиши мумкин. Уни доимо пок ва тоза тутиш лозим. Бу олам ҳақсизликлари туфайли ошиқ қалби синган ва унга далда фақат “Ёр”га бўлган ишқдир, чунки бундан ўзга маъкул даво йўқдир. Айнан шу сабабдан ошиқлар маскани (харобот) аро лирик қаҳрамон йўл кўрсатувчи муршид излайди ва унинг кўрсатган сулуки туфайли ошиқ яна ўз маъшуқаси йўлида изланишдан тоймайди. Унда садоқат ва “Ёр”га муҳаббат биринчи ўринда туради. Зеро, тасаввуфда Аллоҳга муҳаббат энг олий ўриндадир.

Таржиъбанддаги қадаҳ маъносида келган “синган сафол” бирикмаси синиқ кўнгил, яъни тасаввуфий, илоҳий сабоқни қабул қилувчи кўнгил. Навоий бу ўринда сафол дейиш билан бирга ўз кўнглининг ҳолатини бироз камсуқумлик билан ифода этяпти, чунки синган сафол қуйилаётган май, яъни берилаётган сабоқни тўлалигича қабул қила олмайди.

Навоийнинг ушбу таржиъбанди жуда кенг маъноларни ўзида жамлаган, “ундан ҳар ким ўз идишига яраша сув олади” (Фитрат), баҳраманлик бахтига муяссар бўлганлар Навоийнинг ҳақиқий ишқ ҳақидаги фикрларини уқиб оладилар. Таржиъбанд ўзбек мумтоз шеърлятида фаол қўлланилган мутақориб баҳрининг мусаммани маҳзуф ва мусаммани мақсур қолипларида битилган. 1-, 2-, 5-,6- бандлар мутақориб мусаммани мақсур (фаулун фаулун фаулун фаул) вазнида, 3-, 4-, 7-, 8-, 9-,10- бандлари эса, мутақориб мусаммани маҳзуф (фаулун фаулун фаулун фаал) вазнида ёзилган.

Навоийнинг “Наводир уш-шабоб” девонига киритилган яна бир таржеъбанди йигитлик даврига мансуб. 9 банддан иборат бу асарда шоир жаҳон-борлик ҳақидаги фалсафий фикрларини ифодалайди:

Жаҳон қасригадур сув узра бунёд,

Чу йўқ бунёди, ондин бўлмагил шод.

Таржиъбандда шоирнинг борлик моҳияти ҳақидаги мулоҳазалари ҳаёт ҳақидаги аччиқ ўқинишлари билан қўшилган ҳолда дардли бир оҳангда тасвирланади. Кўринадики, 2-таржиъбандфалсафий, диний-маърифий мазмунга эга. Таржиъбанднинг бошқаларидан фарқи шундаки, унинг ҳар бир банди мақтаъси “жаҳон” сўзи билан бошланади. Таржиъбанд 9 банддан иборат бўлса, ҳар бир бандининг бош байти ноанъанавий бир хил сўз бошланмасига эга. Бу ҳар бир банддаги бошланғич байт мазмуни бир хил дегани эмас. Ҳар бир банд мақтаъсининг мазмуни, ифодаси, ғояси ўзгачадир. Навоий ижодининг беназир маҳоратли эканини кўрсатувчи бу таржиъбанд ушбу жанрни мукамал тараққиёт босқичига кўтарди.

3-таржиъбанд 7 банддан иборат бўлиб, ҳар бир банди саккиз байтдир. Бу таржиъбанд юқоридаги икки таржиъбанддан мазмунан фарқ қилгани учун акад. А.Қаюмов уни “Севгинома”деб атайди: “Ишқий масалалар эса “Бадоеъ ул-васат” девонидаги учинчи таржеъбанддаги пафос, мазмун, унинг бутун борлиғи олдинги икки таржиъбанддан қатъий фарқли. Шунинг учун мен

ушбу таржиъбанд шеърни “севгинома” деб атамоққа мойилман³¹”. Бу таржиъбанд Навоийнинг йигитлик даврига мансуб бўлиб, ўз моҳияти билан бошқалардан ажралиб туради. Шеърнинг асосий мавзуси ҳажр, фироқ билан боғлиқ кечинмалар тасвирдан иборат. Унинг асосини назарий мулоҳазалар эмас, балки ҳаётий таассуротлар ва кечинмалар ташкил этади. Ҳижрон тасвири, фироқ аламларидан шикоят лирик қаҳрамоннинг ўз маъшуқасига муурожаати тарзида кўринади.

Тўртинчи таржиъбанд ўн банддан иборат бўлиб, ҳар бир банд ўн байтдан ташкил топган. Бу таржиъбанд ҳам *май, харобот, мастлиг, соқий, шайх, ринд, хонақоҳ, дайр* каби тасаввуфий руҳда. Бироқ таржиъбанднинг бошқа бандларида суюкли ёр образи етакчилик қилади.

Алишер Навоий таржиъбандларининг вазн хусусиятларини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин:

№	Восита байт	Вазни	Афойили	Тақтеби
№	Таржиъбандлари			
1	Харобот аро кирдим ошуфтаҳол, Май истарга илгимда сингон сафол	Мутақориби мусаммани махзуф, мутақориби мусаммани максур	Фаулун фаулун Фаулун фаул Фаулун Фаулун Фаулун фаал	v - - v - - v - - v - v - - v - - v - - v ~
2	Бақосиздур жаҳон раъноси, валлоҳ, Жаҳон раъноси йўқким, мосиваллоҳ.	Ҳазажи мусаддаси махзуф ва ҳазажи мусаддаси максур	Мафойилун мафойилун фаулун мафойилун мафойилун мафойил	v - - - v - - - v - - v - - - v - - - v - ~
3	Ёдингни қилай ҳарифи мажлис, Фикрингни этай кўнгулга мунис.	Ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузу максур	Мафъулу мафоилун мафойил	- - v v - v - v - ~
4	Яна муғ дайрига кирдим сармаст, Май тут, эй муғбачаи бодапараст!	Хафиф бахрининг “солими махбун” шаҳобчаси	Фоилотун мафоилун фаилун	-v - - v - v - v v -

Навоий таржиъбандлари қуйидаги мавзуларда битилган:

1. Тасаввуфий: *Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,
Май истарга илгимда сингон сафол.*
2. Диний-маърифий: *Бақосиздур жаҳон раъноси, валлоҳ,
Жаҳон раъноси йўқким, мосиваллоҳ.*

³¹ Қаюмов А. Дилқушо такрорлар ва руҳафзо ашъорлар. – Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2011. – Б. 22

3. Ишқи мажозий: *Ёдингни қилай ҳарифи мажлис,*

Фикрингни этай кўнгулга мунис.

4. Ишқи ҳақиқий: *Яна муғ дайрига кирдим сармаст,*

Май тут, эй муғбачаи боданараст!

Кўриниб турибдики, таржиббанд жанри Навоий ижодида ҳам мазулар кўлами ва маъно чуқурлиги, ҳам бадий мукамаллиги билан ушбу жанрни мумтоз шеърятимизнинг етук ва фаол адабий жанрларидан бирига айлантирди.

Бобнинг 2-фасли **“Алишер Навоий ижодида таркиббанд жанри”** деб номланади. Мумтоз шеърятда таркиббанд жанри нисбатан кам қўлланилган мураккаб шакл ва мазмунга эга, йирик шеърӣ жанрлардан биридир. Навоийнинг “Наводир уш-шабоб” девонига устози, ҳаммаслаги Саййид Ҳасан Ардашер вафоти муносабати билан ёзилган таркиббанд киритилган бўлиб, мазмунан марсия характерида. Навоий ижодида Саййид Ҳасан Ардашерга бағишланган маноқиб-ҳолот, маснавий шаклидаги шеърӣ мактуб, шунингдек, “Соқийнома”нинг XXVI боби мавжуд³² бўлса-да, бу асар юқоридагиларнинг ҳеч бирини мазмунан такрорламайди.

Таркиббанднинг ҳар банди 8 байтли бўлиб, 7 банддан ташкил топган, жами 56 байт. Ҳар бир банд охирида мустақил байт келтирилади ва бу байтнинг мисралари ўзаро қофияланади. “Навоий учун Саййид Ҳасан Ардашер – инсонни комил тимсоли”³³ бўлгани учун бу шахс сийрати орқали Навоий ўзининг комил инсон ҳақидаги қарашларини ифода қилган. “Комил инсоннинг таъриф-тафсифи учун Навоий неча ўнлаб улуғ зотлар – пайғамбарлар, машҳур шайхлар, ориф ва дарвишларнинг сифату хислатларига диққатни жалб этади, аммо ҳеч қачон ишқ гўзаллиги, ишқ ва изтиробнинг оламшумул моҳиятини ёддан чиқармайди. Бу эса, ўз навбатида, поэтик маъно ва образли ифодаларнинг узлуксиз равишда янгилашиб боришига кенг йўл очгандир”³⁴. Таркиббанд жанр табиатига кўра шоирдан юксак санъаткорликни, алоҳида иқтидорни талаб этади. Навоий таркиббанднинг ҳар банд охиридаги байтида ўз фикрларига хулоса ясаркан, бандлардаги охирги байтлар воситасида шеър умумий мазмунида мантиқий изчиллик ҳосил бўлади.

Таркиббанд вазни – рамали мусаммани солими маҳбуну маҳзуф:

Ҳар киши комил эрур, бас анга Ҳақ бандалиги,

- v - - / - v - - / - v - - / - v -

Мундин ўзга тамаъи касби камол айламангиз.

- v - - / - v - - / - v - - / - v -

Фоилотун фо и ло тун фо и ло тун фо и лун

Навоийнинг яна бир таркиббанди мазмунига кўра, Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Шоҳ Ғариб Мирзога бағишланган бўлиб, бу ҳақда “Мажолис ун-нафоис”даги маълумотлардан ҳам сезса бўлади. Таркиббанд орқали

³² Бу ҳақда қаранг: Асадов М. Соқийнома: тарих ва поэтика. - Т.: Тафаккур, 2020. – Б. 207-211.

³³ Комилов Н. Тасаввуф. - Тошкент: Мовороуннахр -Ўзбекистон, 2009. – Б. 357.

³⁴ Ҳаққулов И. Навоийга қайтиш. 3-китоб. –Тошкент, 2014. – Б. 85-86.

Навоийнинг Шоҳ Ғариб мирзога ўзгача меҳри борлигини кузатамиз. Таркиббандда:

*Даҳр боғида ажаб тафриқадур, эй афлок,
Халқ ичи лола киби қон, яқоси гул киби чок.*

байти билан Навоий ажаб тариқа (парадокс)ни бадий ифодалайди: халқ бамисли лола, унинг бағри қон, яқоси гул каби кўринишда.

